

***“Таълим, иқтисодиёт ва туризм соҳаларида  
стратегик ислоҳотларни амалга ошириш  
муаммолари ва ечимлари” мавзусидаги халқаро  
илмий-амалий конференция***

***International Scientific and Practical  
conference on “Problems and solutions for implementing  
strategic reforms in education, economy and tourism ”***

***Международная научно-практическая  
конференция на тему “Проблемы и пути решения  
реализации стратегических реформ  
в образовании, экономике и туризме”***

**МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ  
CONFERENCE PROCEEDINGS  
СБОРНИК СТАТЕЙ**



направленные на обеспечение безопасности здоровья и жизни туриста, граждан, стабильности общества и государства.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СТРАТЕГИК ҲАРАКАТЛАР ЙЎНАЛИШИ

*Абдуллоев А.Ж., БухДУ “Иқтисодиёт” кафедраси мудри в.б катта ўқитувчи  
Ниязов.Э.Ш., БухДУ ўқитувчиси  
Жунайдуллоев М.А., БухДУ талабаси*

Қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган ислохотлар 2017 йилда тубдан ўзгартирилиб, жорий йилдан бошлаб соҳада инновацион ишланмаларни қўллашни рағбатлантириш, ахборот коммуникация технологияларини жорий қилишга ўтиш, ресурстежамкор ва илғор тажрибаларни кенг қўллаш, энг асосийси, республикамизда “Биз “персоналлаштирилган қишлоқ хўжалиги” концепциясини ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилишни таклиф этамиз. Бу концепция қишлоқ хўжалиги экинларининг муайян муҳит, тупроқ, ўғит, сув ва биостимуляторларга нисбатан реакциясини инобатга олиб, уларнинг аниқ генотипларига эътибор қаратишни назарда тутди.”<sup>21</sup> деб мамлакат Президенти томонидан билдирилган фикр, **биринчидан**, жаҳоннинг ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалигидаги ва соҳа илми-фанидаги илғор инновацион ишланмаларни жорий қилинишидан манфаатдор эканлигини, **иккинчидан**, бу глобал тадбир натижасида Республикамиз қишлоқ хўжалигидаги салоҳиятни янада ривожлантириш орқали унинг инвестицион жозибдорлигини ошириш, **учинчидан**, соҳада чуқур диверсификация тадбирларини амалга ошириш орқали барқарор ва сифатли товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳамда соҳада самарадорликни кескин ошириш имкониятлари кенгаяди.

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги муҳим ўринни эгаллайди ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ўсишига катта ҳисса қўшади. Бу соҳада аҳолининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат корхоналари учун эса хом ашё етиштириш, жамиятни зарур бўлган бошқа эҳтиёжларини қондиришда муҳим ўринни эгаллайди. Мамлакатимиз аҳолисининг 63 фоизи қишлоқ жойларда истиқомат қилса, жами банд аҳолининг 26,7 фоизи қишлоқ хўжалигида меҳнат қилишади.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабининг 95 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳисобидан қопланади. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ҳамда аҳамияти доимо юқори бўлади.

Қишлоқ хўжалигида ислохотларнинг бош мақсади - қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш ва ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, қишлоқни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришдан иборат.

Шунинг учун ҳам иқтисодий ислохотларни бугунги босқичида қишлоқ меҳнаткашларининг манфаатларини ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни даромадларини кўпайтириш масаласини ҳал қилиш асосий вазифа қилиб қўйилди.

Республика Президентининг ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги соҳасида институционал ислохотларни изчил жадаллаштириш, биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги ва унга турдош бўлган вазирлик ҳамда идораларнинг ваколатлари, функциялари ва вазифаларини такомиллаштириш, бошқарув ва ижро тузилмаларининг фаолиятида самарали бошқариш тизимини шакллантириш борасида йирик тадбирлар амалга оширилди.

Ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан жорий йилда қабул қилинган, бевосита АСМга тегишли бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва турли вазирликлар томонидан қабул қилинган қарорлар умумлаштирилган ҳолда бир тизимга келтирилди .

<sup>21</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқи.

Ушбу қабул қилинган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар натижасида қишлоқ хўжалиги ва АСМлари ўртасида туб таркибий ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, жорий йилда мустақил Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ветеринария давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташкил қилинди, уларнинг бошқарув тузилмалари, шу жумладан вертикал ва горизонтал бошқарув тузилмалари ҳудудий ва фаолият йўналишларига мос равишда ташкил қилинди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги давлат мулкларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, қишлоқда яқка тартибда, оилавий, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарали фаолият кўрсатишини иқтисодий рағбатлантириш, соҳанинг ҳар бир тармоғига ички ва ташқи инвестициялар жалб қилинишига жозибадор муҳит яратилишини қўллаб-қувватлашга алоҳида, устувор йўналиш сифатида эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида экин майдонларини ташқи ва ички бозор талаблари ҳамда тамойиллари асосида жойлаштириш, бунда ресурстежамкор ва инновацион технологияларни жорий қилиш ҳисобига тупроқ унумдорлигини камайтирмаслик ва ошириш тадбирларини қўллаган ҳолда ҳар бир гектар майдондан олинадиган даромадни барқарор оширишга қаратилган самарали тизимларни жорий қилиш бошланди.

2017 йилда аграр соҳада олиб борилган ва давом этаётган иқтисодий ислохотлар натижасида қуйидагиларга эришиш имконини берди:

- қишлоқ хўжалиги соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий норматив ҳужжатлар такомиллаштирилди, янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш устида тадбирлар бошланди;

- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тадбирларини изчил давом эттириш, қишлоқда мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларини мустаҳкамлаш;

- қишлоқ хўжалигида ер участкаларига ва мавжуд мулкка эгаликни кафолатлаш, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва Фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинди;

- қишлоқ хўжалигида устувор йўналиш сифатида кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш стратегик жиҳатдан самарали йўл деб белгиланди;

- қишлоқ хўжалигида ресурстежовчи ва сувтежовчи инновацион технологиялардан фойдаланишни рағбатлантириш, бу борада кенг қўламда имтиёзлар жорий қилиш бўйича тадбирларни тизимли давом эттирилмоқда;

- қишлоқ хўжалиги субъектларига маҳсулотларни экспорт қилиш ва олинган валюталаридан эркинфойдаланиш имкониятлари янгидан яратилди;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимларида кооперация муносабатларини шакллантириш бўйича ҳуқуқий ва иқтисодий механизмлар яратилмоқда;

- қишлоқ хўжалиги субъектларини молиялаштириш, кредитлаш, нарх белгилаш, моддий-техника таъминоти ва бошқа йўналишларда бозор тамойилларига мос механизмлар жорий қилинмоқда;

- республикамиз аҳолисини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича самарали аграр сиёсат юритилишига эришишга қаратилган стратегик тадбирлар амалга оширилмоқда.

Республикамиз шароитида суғориладиган майдонлардан самарали фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг унумдорлигини яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосили ва сифатини ошириш – ерларнинг мелиоратив ҳолатига бевосита боғлиқдир.

Ҳозирги даврда республикамиздаги мавжуд 4,3 миллион гектар суғориладиган майдонларнинг қарийб 2,0 миллион гектари (46,7%) турли даражада шўрланган. Жумладан, 1 миллион 324 минг гектар (30,9 %) кам, 570 минг гектари (13,3%) ўрта ва 105,5 минг гектари (2,5%) кучли шўрланган ерлардир<sup>22</sup>.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Ш.Тешаевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси ҳамкорлигида 2013–2017 йилларда

Ушбу суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб бориш ва ер ости сизот сувлари сатҳини меъёр даражасида ушлаб туриш учун 140 минг километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари, 3475 дона вертикал дренаж кудуқлари, 301 дона мелиоратив насос станциялар ҳамда 24839 дона мелиоратив кузатув кудуқлари хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги “2017 йилда бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3027-сонли қарорига асосан жами ғалла экилган 1 млн 122 минг 461 гектар майдоннинг 1 млн 14 минг 848 гектарига (90,4 фоиз) такрорий экин экиш режалаштирилган ҳолда амалда республика бўйича такрорий экин майдонлари 898 787 гектарни (88,6%) ташкил қилди<sup>23</sup>. [6]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги “Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-2841-сонли қарорининг асосан Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги мавжуд 68 та қоракўлчилик, 32 наслчилик ҳамда Қорақолпоғистон Республикасидаги 10 та қорамолчилик, жами 110 та ширкат хўжалиklarини ер майдонларини йўқламадан ўтказилиб, 78 та ширкат хўжалиklари ўрнида 2394 та фермер хўжалиklари ва 32 та ширкат хўжалиklари ўрнида эса 34 та МЧЖларига айлантирилди.

Республика қишлоқ хўжалиги экин майдонларини 2000 йилда 3778,3 минг гектардан 2017 йилда 3025,4 минг гектарга камайиш тенденцияси кузатилган, шу жумладан пахта экин майдонлари (1444,6 минг гектардан 1329,2 минг гектарга) ва донли экинлар (1614,0 минг гектардан 1122,4 минг гектарга). Пахта ва донли экинлар майдонларининг қисқариши ҳисобига картошка, сабзавот ва полиз экинлари майдонлари ошмоқда.

Пахта экин майдонларининг доимий қисқариб бориши ва ушбу майдонларга бошоқли дон, мойли экинлар, сабзавот, полиз, картошка ва озуқа экинларини жойлаштирилиши аҳолини Республикамизда етиштирилган ва тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, ички бозорда маҳсулотлар танқислигига йўл қўймаслик, энг асосийси, бозор баҳоларини мавсумий барқарорлигига эришиш имкониятини яратади.

## ОСОБЕННОСТИ ДИДАКТИКИ И МЕТОДИКИ ПРЕПОДАВАНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ДИСЦИПЛИН

*Файзиева С.А., ст.преп. кафедры Туризм,  
Имамкулов А., студент БухГУ*

Научиться мыслить и усваивать знания - важнейшая задача учебного процесса. Сейчас все формы учебного процесса, все методики обучения совершенствуются с целью активизации самостоятельной работы студентов, ставят задачи научить их самостоятельности мышления. Экономическая реальность сложна и многообразна, в ней логические модели экономической теории не проявляются прямолинейно. От педагогов-преподавателей экономических дисциплин требуется целенаправленное использование интерактивных методик обучения, тестовых заданий, конкретных ситуаций, чтобы на основе теоретических положений анализировать противоречивые процессы рыночных преобразований.

На вопрос: «Для чего человеку учиться?» вариантов ответа много: духовное развитие,

---

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастурининг ижроси юзасидан ўтказилган парламент эшитувидаги маърузаси.  
<http://www.agro.uz/uz/information/reports/>

<sup>23</sup> “Уздаерлойиха” ЎзДЛИК маълумотлари асосида.